

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тохир Азизович Тургунов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришдаги муаммолар юзасидан амалий таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, оммавий спорт, ёшлар, аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган кундан бошлаб мамлакатимизда турли соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам улкан мисли ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик ва яна фақат мустақилликкина ана шу ўтда куймас илдизларимизга ҳаёт, сувда чўқмас томирларимизга куч-қудрат бахш этди. Ўзингиз ўйланг мустақиллик бўлмаганида ўзбеклардан Халқаро Олимпиада, Жаҳон ва Осиё чемпионлари чиқармиди? Улкан ареналарнинг марказида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қалбларга ифтихор солиб, мағрур ҳилпирармиди? Ўзбекнинг оддийгина қора қўз ўғил-қизлари шарафига юракларни тўлқинлантириб миллий мадҳиямиз янгрармиди? Умуман, мустақилликка эришгунга қадар йирик халқаро мусобақаларда ғолиб чиқсан Ўзбекистонликлар бармоқ билан санарли эди. Улар ўша пайтларда аллақандай Иттифоқ номидан тушарди. Мустақилликнинг ўтган қисқа йигирма тўқиз йилидаги жаҳон ва турли халқаро мусобақалар чемпионларини санаш учун эса нақд яrim кун вақтингиз кетади. Чунки ҳар йил Ўзбекистонлик спортчилар турли юксак халқаро мусобақалардан ўнлаб, юзлаб “олтин”, “кумуш” ва “бронза” медаллари билан қайтиши одатий ҳолга айланди. Энди ўзгаларни қўриб ҳавас қилиш у ёқда турсин, ўзимизнидан ҳам ҳайратланмай қўйдик. Бизга буни Мустақиллик ҳадя қилди. Биргина Халқаро Олимпиада мусобақаларидағи вакилларимизнинг иштирокини олиб кўрайлик. Тўрт йилда бир бор ўтказиладиган ушбу ўйинларда мустақилликдан илгари қирқ йил давомида атиги 45 нафаргина ўзбек спортчиси қатнашган халос.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш натижасида бугунги кунда спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкларга кўтариб, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги обрўсини сарбаланд қилишда салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Хозирги кунда Республикаизда охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш муҳим ислоҳотлардан ҳисобланади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Бугунги кунда ўта муҳим вазифалар қаторида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар натижасида:

- Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди;
- жисмоний тарбия ва спорт ёшларни соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялашга, миллий генафондни соғломлаштириш воситасига, миллионлаб ватандошларимиз маънавий ҳаётининг ажralmas қисмига айлантирилди;
- жаҳон ҳамжамиятида ҳам спорт соҳасида ўз ўрнимиз ва овозимизга эга

бўлдик. Дунё Ўзбекистон Республикаси халқининг жисмоний имкониятлари, салоҳияти, иқтидори беқиёс эканлигини эътироф этди;

- спорт-дини, миллати, ирқи, жинси ва ёшидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларини жипслаштирувчи, яқдил қилувчи омилга, жамиятда фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни, ички барқарорликни мустаҳкамловчи қурдатли кучга айланди;

- шунингдек, миллий ўйинлар ва спорт турларини тиклашга, маънавий ҳаётни янгилашнинг, миллий ўзликни англаш жараёнларининг ажralmas қисми сифатида жиддий эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ривожлантириш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришда туб бурилиш бўлди, десак, муболаға қилмаймиз. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини жадал ривожлантириш ва оммалаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида қуйидаги фикрлар таъкидланди: “...жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш яна бир долзарб вазифадир. Спортни жадал ривожлантириш, ҳалқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён катта аҳамият берамиз. Ёш авлодимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этамиз”. Республикализнинг барча ҳудудларида бунёд этилаётган замонавий спорт иншоотларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобидан ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Натижада ҳалқаро спорт турнирлари ва жаҳон ареналаридағи мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келинмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт мамлакат фуқаролари ҳаёти ва турмуш тарзининг ажralmas қисмига айланди.

ХУЛОСА

Бугунги кунда ёшларга кенг имкониятлар бериш, шароитлар яратиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом қилиб, юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун спорт ҳаракати оммавийлигига катта аҳамият бериш, жисмоний тарбияни ривожлантириш ёшларни иродали сифатларини чиниқтириш, оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга эришиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

REFERENCES

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. 2017йил 7 февраль.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// “Халқ сўзи”, 2018 йил 28 декабрь.
3. Назаров Нурали Нормирзаевич. Жисмоний тарбия-соғлом турмуш тарзини шакллантириш омилларидан бири сифатида. Ижтимоий фикр. 2016 йил, 3-сон, 50-55-бетлар.
4. Назаров Нурали Нормирзаевич. Спортнинг маънавий тамойиллари ва соғлом авлод тарбияси. ЎзМУ Хабарлари маҳсус сон. 2013 йил, Маҳсус сон, 87-89-бетлар.
- 5.Назаров Нурали Нормирзаевич. Спорт фалсафаси. Фан - спортга илмий-назарий журнал. 2014 йил, 4-сон, 39-44 бетлар.
- 6.Назаров Нурали Нормирзаевич. Мутафаккирлар илмий меросидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. Фан - спортга илмий-назарий журнал. 2020 йил, 3-сон, 38-41 бетлар.
- 7.Яқубов Фазлиддин Мухитдинович. СПОРТ ҚАДРИЯТЛАРИ – ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИ ТАФАККУР ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИ СИФАТИДА. “Илм сарчашмалари” илмий методик журнали, 2020. – №5 – Б. 133-136.
- 8.Яқубов Фазлиддин Мухитдинович. Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида спорт тафаккури ва унинг услубларини яратиш орқали тафаккур тарзини такомиллаштириш йўллари // “Фан-спортга” илмий-назарий журнали, 2019 – №4 – Б. 23-28.
- 9.Назаров, Н.Н. (2022). АҲОЛИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic Research in Educational Sciences, 3(4), 646–653.